

---

## Ҳамдардлик

Туманимиз жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Ҳалқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши депутати, туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигиниошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Азизбек Ўринбоев хасталикдан сўнг 45 ёшида вафот этди.

Азизбек Ўринбоев 1976 йилда Ўзбекистон тумани Нурсух қишлоғида хизматчи оиласида туғилди.

Дастлабки меҳнат фаолиятини 1994 йилда ширкат хўжалигига ишчи вазифасида бошлади. Бир неча йиллар Учбулак маҳалла ва Нурсух қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлади. 2018-2020 йиллар давомида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси лавозимида фаолият олиб борди. 2020 йилдан бўён туман ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида ишлаб келаётган эди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ва туман фаоллари Азизбек Ўринбоевнинг оиласаъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор қиласиди.

Унинг порлоқ хотираси дўстлари ва яқинлари, ҳамкаслари ёдида абадий яшайди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги**

2021-08-30 22:07:07